

# **Узун туман ҳокими Баҳром Бобохонович Турсуновнинг Наврӯз байрами табриги**

Узун туман ҳокими Баҳром Бобохонович Турсуновнинг Наврӯз байрами табриги

Узун туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўйингоҳида (Турон ўйингоҳи мажмуасида) 12 март куни Наврӯз байрами шодиёнаси бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда Узун туман Ҳокими Баҳром Турсунов иштирок этди. Туман ҳокими кўп миллатли халқимизни Наврӯз байрами билан табриклаб, эзгу тилаклар билдириди.

“Қадим-қадимдан Наврӯз холис ниятли кишиларнинг севимли айёми бўлиб келган. Ўша кунларда ҳатто уруш-жанжаллар ҳам тўхталган, гина-қудратлар кечириб юборилган. Шоҳлар эл ичидан энг муносиб кишиларни тақдирлашган, айrim маҳбусларнинг гуноҳидан ўтишган”, – деди Баҳром Турсунов “Ушбу баҳор айёми давлатларимиз ва ҳар бир оиласга тинчлик-хотиржамлик, битмас-туғанмас куч-қувват ва фаровонлик олиб келсин. Халқларимизга эса қутбарака, тинчлик ва бирдамлик олиб келсин”, – деди ҳоким

Бу йилги Наврӯз мамлакат мустақиллигининг 31 йиллигига ўтмоқда. Халқимиз бу айёмни баланд кайфият билан кутиб олмоқда.

Ўзаро меҳр-оқибат, саховат ва мурувват кўрсатиш, табаррук кексаларимизни йўқлаш, ногиронлар, ёрдамга муҳтоҷ инсонлар ҳолидан хабар олиш, ҳашарлар ўtkазиб, юртимизни янада обод қилиш каби савобли ишларимиз Наврӯзning файзига янада файз қўшмоқда.

Мавжуд қийинчилик ва синовларга қарамасдан, ҳаёт давом этади. Бу йил Наврӯз ўзгача давраларда кенг нишонланмоқда - дея таъкидлади Баҳром Турсунов.

Наврӯз — муҳаббат, севги, садоқат, дўстлик ва биродарлик байрамидир. Бу айёмда аёлларнинг ўрни бекиёсдир. Улар маросимларни бошқариб, ёшларга анъана ва удумлар бўйича билимларини ўргатиб, ушбу маданий маросимда асосий ролни ўйнайдилар.

Бу тантаналар ёшларимиз хотирасида муҳрланиб қолади ва улар ҳам кейинчалик бу анъаналарни давом эттириб, ўзларидан кейинги ёш авлодга ўтказадилар.

Туман раҳбари ушбу улуғ айём-шарқона янги йил билан, катта-ю кичик барча тумандошларимиз, ҳамда туманимиз меҳмонларини, чин қалбидан самимий муборакбод этди.

Юртимиз тинч, юртбошимиз бошимизга хамиша омон бўлсин!

Яратганинг ўзи ҳаммамизни паноҳида асрасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Байрам тадбири катта концерт дастури билан якунланди.







